

Soatmurod U. PRIMOV,
Doctor of Philosophy in Islamic Studies (PhD),
Vice-Rector for Scientific Affairs of the Tashkent
Islamic Institute named after Imam Bukhari.
Zarqaynar 18 str. 47. 100002, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: soatmurot.tii@gmail.com

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2024-2/2

МОВАРОУННАХРЛИК ИЛК МУТАКАЛЛИМЛАР ФАОЛИЯТИ

ACTIVITIES OF THE FIRST MUTAKALLIMS OF MAWARANNAHR

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ПЕРВЫХ МУТАКАЛЛИМОВ МАВЕРАННАХРА

КИРИШ

Имом Абу Ҳанифанинг ақидавий ва фикҳий қарашлари Мовароуннаҳр ва Хуросонда катта иштиёқ билан қабул қилиниб, ривожлантирилгани сир эмас. Мовароуннаҳрда Имом Абу Ҳанифа (699-767) қарашлари унинг ҳаётлигидаёқ машҳур бўлган ва қисқа муддат ичида мазкур мазҳабнинг узоқ муддат фаолият кўрсатиши учун мустаҳкам замин яратилган. Кўпчилик мовароуннаҳрлик уламолар Куфага бориб, Имом Абу Ҳанифа мазҳаби билан танишди ва унинг қарашларини ўз сафарининг самараси ўлароқ ўз юртига олиб келди. Манбаларда қайд этилишича, IX асрларда Бухоро ва Самарқанд уламоларининг аксари буткул ҳанафий мазҳабида эди (Улрих Рудолф, 2001:25-29).

Имом Абу Ҳанифанинг даврасида таҳсил олган шогирдлари бошқа кўплаб вилоятларга, шунингдек, Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги шаҳарларга тарқалиб, уларнинг кўпчилиги қозилик каби муҳим лавозимларга тайинланган. Айниқса, Аббосийлар халифаси Ҳорун ар-Рашид (786-809) даврида ҳукумат даражасида Имом Абу Ҳанифа шогирдлари учун имкониятлар эшиги очилган ва бу талабалар Аббосийлар давлати (750-1258) ҳукмронлик қилган ҳудудларда ўз сўзларига эга бўлганлар. Имом Абу Ҳанифанинг машҳур шогирди, қози ал-кузот (бош қози) бўлган Имом Абу Юсуф (731-798) билан раъй тарафдорлари бўлган ҳанафийлар ва уларнинг издошлари учун йўл аниқ бўлди ва шу тариқа аҳли раъй қарашлари шаҳарларда кенг оммага тарқалди.

Хуросон ва Мовароуннаҳр минтақасида ҳанафийлик қароргоҳида асосий шахслар мутакаллим, муфасссир, фақиҳ ва муҳаддислардан иборат ҳанафий уламолар эди. Кўриниб турибдики, ҳанафий уламолари, айниқса, Имом Абу Ҳанифа илмий ҳалқасидан баҳраманд бўлганлар, уларнинг шогирдларининг бу ҳудудда ақидавий ва фикҳий йўналишларнинг шаклланишига таъсири катта бўлган.

Шундай қилиб, Имом Абу Ҳанифанинг ақидавий ва фикҳий қарашлари кенг халқ оммасига етиб борди ва унинг издошлари билан минтақадаги ҳадис тарафдорлари ўртасидаги курашга қарамай аҳли раъй катта муваффақиятларга эришди. Албатта, бу муваффақиятда энг катта улушга эга бўлганлар Имом Абу Ҳанифанинг фикрларини шу шаҳарларда ёйиб, омма халққа етказган ҳанафий уламоларидир. Ҳанафий мазҳаби қарашларининг ёйилишига етакчилик қилган ва ҳисса қўшган бу олимларни Имом Абу Ҳанифадан келтирган баъзи ривоятлари ва улар билан алоқадор бўлган шаҳарларни келтириб, қисқача маълумотларни таҳлил қилиш лозим.

АСОСИЙ ҚИСМ

Абул Муин Насафийнинг зикр қилишича, бутун Мовароуннаҳр ва Хуросондаги Имом Абу Ҳанифа издошлари бўлган пешқадам уламолар ақидада ҳам, фикҳда ҳам унинг йўлидан бориб, мўътазилийликдан четда турганлар ва Яратувчининг сифатларига оид масалаларда илк даврлардан бошлаб бир хил қарашда бўлганлар (Абул Муин Насафий, 1990). Мисрдаги «ал-Азҳар» университетининг собиқ раҳбари Али Тантовий бир неча йиллик илмий изланишлари натижасида ҳанафий мазҳаби ер юзида энг кўп тарқалган мазҳаб эканини эътироф қилиш билан бирга ислом тарихининг тўртдан уч қисмига тўғри келадиган аббосийлар ва усмонийлар давлати ҳукмронлик даврида давлатнинг асосий мазҳаби бўлгани билан боғлайди (Али Тантовий, 2022:130).

Мовароуннаҳрга ислом дини кириб келган вақтда Бухоро, Самарқанд, Термиз, Насаф, Кеш, Чағониён унинг йирик шаҳарлари ҳисобланарди. Имом Абу Ҳанифа қарашларини Мовароуннаҳрнинг энг йирик шаҳарларидан бири бўлган Бухорода ёйган олимларни қуйидагича санаб ўтиш мумкин:

Аннотация. Мовароуннахр уламолари фикҳда ҳам, ақидада ҳам Имом Абу Ҳанифанинг мазҳабига эргашиб, турли оқим ва фирқа вакиллари билан баҳс-мунозара қилиш орқали мазкур мазҳабни ўлкада ривожланиши ва кенг ёйилишига ҳисса қўшганлар.

Самарқанд уламоларидан бир нечтаси бевосита Имом Абу Ҳанифадан таълим олиб, унинг таълимотларини Самарқанд шаҳри ва ён-атрифида тарқатилишига эришганлар. Хусусан, бу борада Абу Муқотил Самарқандийнинг ўрни беқиёс бўлиб, у билан устози Имом Абу Ҳанифа ўртасида муайян ақидавий мавзулар борасида савол-жавоб шаклида ёзилган «Китоб ал-олим вал-мутааллим» асари ханафий мазҳабининг ақидавий қарашларини ифода қиладиган муҳим асарлардан бири эканини қўпчилик тадқиқотчилар эътироф қилишади.

Мақолада VII-VIII асрларда кўплаб Мовароуннахрлик уламолар Кўфа шаҳрига бориб, Имом Абу Ҳанифадан таълим олганлари, пирувард натижада айнан улар Имом Абу Ҳанифанинг ақидага оид асарларини ривоят қилишида муҳим ўрин тутганлари ёритилган.

Калит сўзлар: Абу Ҳанифа, муржиийлик, қадар, қадарийлик, калом илми, ақида, аҳли рай, аҳли сунна вал-жамоа.

Abstract. The scholars of Mawarannahr followed Imam Abu Hanifa's madhhab both in jurisprudence and belief, and contributed to the development and wide spread of this madhhab in the country by debating with representatives of different groups and sects.

Several of the scholars of Samarkand received education directly from Imam Abu Hanifa and managed to spread his teachings in the city of Samarkand and its surroundings. In particular, the role of Abu Muqatil Samarkandi is incomparable in this regard, and the book «Kitab al-alim wal-muta'allim» written in the form of questions and answers between him and his teacher Imam Abu Hanifa on certain creedal topics is one of the important works expressing the creedal views of the Hanafi sect.

In the article, it is explained that, in the 7th century, many scholars from Mawarannahr went to the city of Kufa and learned from Imam Abu Hanifa, and as a result, they played an important role in narrating the works of Imam Abu Hanifa.

Keywords: Abu Hanifa, murjia, qadar, qadari movement, science of kalam, aqidah, ahl ar-ra'y, ahl as-sunna wal-Jamaa.

Аннотация. Ученые Мавераннахра следовали мазхабу Имама Абу Ханифы в вопросах фикха и акыды, вступали в споры и диспуты с представителями различных течений и сект, и тем самым внесли вклад в развитие и широкое распространение этого мазхаба в наших краях.

Несколько ученых из Самарканда удостоились чести обучаться непосредственно у Имама Абу Ханифы и распространить его учения в городе Самарканде и его окрестностях. В частности, особое место среди них занимает Абу Муқатил Самарканди, многие исследователи признают, что его труд «Китаб аль-алим вал-мутааллим», написанный в виде вопросов и ответов со своим учителем Имамом Абу Ханифой по определенным темам вероубеждения, является одним из важных произведений, излагающих взгляды ханафитского мазхаба в области акыды. Из его последователей Абу Мансур Матуриди помимо защиты взглядов Имама Абу Ханифы по вопросам акыды, также написал к ним комментарии и обогатил передаваемыми (далил накли) и умствеными (далил акли) доказательствами.

В статье освещается, что в VII веке множество ученых из Мавераннахра совершали путешествие в город Күфа, обучались у Имама Абу Ханифы и, в конечном итоге, именно они сыграли важную роль в передаче трудов Имама Абу Ханифы по акыде.

Ключевые слова: Абу Ханифа, мурджиа, кадар, кадариты, наука о каламе, акыда, ахль ар-рай, ахль ас-сунна вал-джамаа.

Муҳаммад ибн Фазл ибн Атия Бухорода кўним топиб, шу ерда вафот этган ва «Дорул марзо» яқинида дафн этилган. Аллома ҳар бир илмни яхши биладиган, ҳам ёд олувчи олим эди. Унинг илмидан кўплаб инсонлар баҳраманд бўлдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) рўза тутганларида қон олдирганлари, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг намозда ўзларига эргашган кишини тиловат

қилишдан қайтарганлари, уч нарасада омадсизлик бўлиши ҳақидаги ривоятларни Имом Абу Ҳанифадан нақл қилган.

Муҳаммад ибн Фазл ибн Атиянинг Имом Абу Ҳанифа билан кўп бирга юриб, илм ўрганишига қуйидаги воқеа сабаб бўлади: «Муҳаммад ибн Фазлнинг отаси Фазл ибн Атия Имом Абу Ҳанифанинг ҳузурда бўлган чоғда

«Ўғлинг Муҳаммад кимдан илм ўрганияпти? деб сўрайди. «Муҳаддисларнинг ҳузурига қатнаб улардан ҳадис ёзиб олмоқда», деди. Имом Абу Ҳанифа унга: «Ўғлингни ҳузуримга олиб кел, илм олишда қайси даражага етиб келибди, кўрайин». Фазл ибн Атия ўғли Муҳаммадни Имом Абу Ҳанифанинг ҳузурига олиб келади. Имом Абу Ҳанифа унга илтифот кўрсатиб, ўзига яқин олиб: «Эй Муҳаммад, кимларнинг олдида боряпсан ва кимлардан ҳадис ёзиб оляпсан?, деди. Муҳаммад эса барчасини айтади. Абу Ҳанифа у билан ҳадислар ёзилган бир китобни кўриб, «Менга бер», дейди. Абу Ҳанифа ушбу ҳадис китобини очиб қараганда бошида Пайғамбар алайҳиссаломнинг «валади зино учта (кишининг) энг ёмони», ҳадисини кўради. Абу Ҳанифа ундан «Бу ҳадиснинг маъноси нима?», деб сўрайди. У эса: «Унинг маъноси ҳадисдан келганидек». Абу Ҳанифа айтади: «Инна лиллаҳ, бу сўзинг билан Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламга ножоиз бўлган нарсани нисбат берган бўлиб қоласан. Ҳолбуки, бу гап бир неча ояти карималар ва ҳадиси шарифларга зид, қолаверса Аллоҳ таоло бандаларига зулм қилади, деган эътиқодга олиб боради. Ким бундай сўзни айтса, Қуръонга хилоф қилган бўлади ва бир инсонни бошқанинг гуноҳи туфайли азобланишини тўғри, деб билган бўлади, яъни Аллоҳ таолони бандаларига зулм ва жавр қилади, деб эътиқод қилган бўлади». Фазл ибн Атия «Аллоҳ сизга раҳм қилсин, унинг маъносини ўзингиз айтинг», деди. Имом Абу Ҳанифа айтади: «Бу ҳадис хос бир валади зино ҳақида айтилган бўлиб, у ота-онасининг зинокор бўлиши бирга одам ўлдириш, ўғрилиқ ва бошқа ёмон ишларни қилар эди. Мана шу валади зинога нисбатан «У учта (кишининг) ёмонроғи», деб айтилди. Чунки, у ота-онаси қилган зинога қўшимча бошқа ёмон ишларни қилган. Юқоридаги ҳадиснинг маъноси, ўша валади зино балоғатга етгандан сўнг ислом динидан чиқиб кетадиган бир амални қилиш эътиборидан айрилган, бўлиши ҳам мумкин. Чунки, унинг ота-онаси қилган зино феъли куфр ҳисобланмайди. Ваҳоланки, унинг амали куфр эди. Шундай экан, куфр буларнинг ичида энг ёмони бўлади. Шунинг учун бунга нисбатан «У учта (инсоннинг) энг ёмонроғи», деб айрилди. Фазл ибн Атия буни эшитгач: «Бу ҳақиқий илм», деди ва ўғли Муҳаммадга: «Эшитдингми?». Абу Ҳанифа айтади: «Эй Муҳаммад, ким ҳадис талаб қилса-ю, унинг тафсири ва маъносини талаб қилмаса, унинг ҳаракати зое кетибди ва

бу унга ҳалокат бўлади». Мана шу воқеадан кейин Муҳаммад ибн Фазл илм ўрганиш учун Абу Ҳанифанинг олдида кўп борадиган бўлди» (Абдуллоҳ Субазмуний, 2020:317-318).

Шунингдек, Муҳаммад ибн Фазлдан Имом Термизий ва Ибн Мажалар ҳадис ривоят қилганлар. Абу Ҳафс Кабир каби машҳур шогирдлар тайёрлаган.

Бухоролик Абу Ҳузайма Хозим ибн Абдуллоҳ Садусий Бухорий соғлом эътиқод инсон учун қанчалик муҳим экани борасида иккита ровий силсиласи орқали машҳур тобеин Ибн Сириннинг «Албатта, бу илм – диндир. Шундай экан, динларингизни кимдан олаётганларингизга қаранглар» сўзини ривоят қилган. Аҳли сунна вал жамоа эътиқодига кўра қиёмат куни Пайғамбар алайҳиссаломнинг шафоат қилиши ҳақ экани борасида Анас ибн Молик разияллоҳунинг сўзини нақл қилади. Шунингдек, Абу Ҳузайма Садусий баъзи ақида масалаларига оид ояти карималарнинг, жумладан Фотир сурасининг 36-оятини тафсирини бевосита Имом Абу Ҳанифанинг шогирди бўлган Имом Абу Юсуфдан ривоят қилган (Абдуллоҳ Субазмуний, 2020:328-331).

Хозим ибн Исҳоқ ибн Мужоҳид Ҳанзалий ҳам илк бухоролик мутакаллим уламолардан бўлиб, Имом Абу Юсуф унга кўп саволлар билан мурожаат қилган, унинг ақл-заковати ва мулойимлигини мақтаган. У Имом Абу Ҳанифанинг ишончига сазовор бўлган олимлардан бири эди. Ўғли Хозим ибн Исҳоқ ибн Мужоҳид Ҳанзалий отасининг сўнгги сафарида у билан бирга Ироққа келган, Абу Ҳанифани кўрган, араб тилини ва Қуръонни ўрганган, кейин у ерда қолиб, Имом Абу Юсуф, Асад ибн Амр ва Муҳаммад ибн Ҳасандан сабоқ олишда давом этди. Имом Абу Ҳанифанинг «Рисолатун ила Усмон ал-Баттий»га ёзган рисоласини битта ровий воситасида ривоят қилган. У зино қилгани сабабидан жазоланишини истаган Маоз ибн Молик ҳақидаги ривоятни Имом Абу Ҳанифадан нақл қилган (Абдуллоҳ Субазмуний, 2020:331).

Ҳанафий мазҳаби қарашларининг Бухорода тарқалишида катта хизмат қилган уламолардан бири Қози Мухаллад ибн Умар бўлиб, у Имом Абу Ҳанифа ва Имом Абу Юсуфдан кўпгина ривоятлар нақл қилган. Хусусан, Имом Абу Юсуфдан кўпгина илмларни ўрганиб, унинг хос шогирдига айланган. Аббосий ҳукмдор Маҳдий (775-785) ҳам уни қаттиқ ҳурмат қилиб, унга катта

миқдорда ҳадяларни жўнатганида, барчасини хайрия ишларига сарфлаб юборади (Абдуллоҳ Субазмунӣ, 2020:337-338).

Бухорода ҳанафий мазҳабининг ақидавий ва фикҳий қарашларининг кенг ёйилишида катта хизмат қилган уламолардан бири Абу Ҳафс Кабир Аҳмад ибн Ҳафсдир (ваф. 217/832). У Абу Юсуф, Имом Муҳаммад ва Муҳаммад ибн Фазл ибн Атиядан сабоқ олди. Абу Ҳафс Имом Абу Ҳанифа қарашларининг Мовароуннаҳрда қабул қилинишида муҳим ўрин тутган олимлардан бири эди. Бухоронинг «Қуббат ал-ислом» (Ислом гумбази), деб аталишида унинг катта ҳиссаси бор. Абу Ҳафс Кабир нафақат фикҳ соҳасида самарали ижод қилган, балки ҳадис ва калом илмларининг ҳам етук билимдони бўлган. Жумладан, эътиқодий масалалар борасида устози Муҳаммад ибн Ҳасандан қуйидагиларни нақл қилади: «Яхши ва ёмон нарсалар ҳақида тақдир битилган. Аҳли суннанинг барча фақиҳлари шунга иттифоқ қилган. Қадар борасида тортишманглар. Муҳаммад (с.а.в.) саҳобалари ҳақида фақат яхши сўзларни сўзланг. Йўл топиш мақсадида юлдузларга қарашда зарар йўқ» (Абдуллоҳ Субазмунӣ, 749/1348 йилда кўчирилган: 264^б-265^а). Абу Ҳафс Кабир калом илми соҳасида ҳам Бухоро мактабига асос солди. Шубҳасиз, олимнинг ўғли, невараси ва уларнинг шогирдлари ушбу мактаб давомчилари сифатида фаолият юритишди ва унинг ривожига ўз ҳиссаларини қўшишди (Маҳмуд ибн Сулаймон Кафавий. нашр этилган санаси кўрсатилган. қўлёзма:95^а). Тарихчи А.Вамбери ўзининг «Тарихи Бухоро» номли асарида Имом Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг мадрасаси ислом оламининг турли ўлкаларидаги олимлар ва талабалар орзу қилгани мадраса бўлганини таъкидлаган (Вамбери А. нашр этилган сана кўрсатилмаган:105-106).

Ундан кейин бу шаҳарда ҳанафийларга унинг ўғли Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳафс Кабир (ваф. 270/883) бош бўлади. Отасининг йўлидан бориб, Бухоро муфтийси бўлиб фаолият юритган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абу Ҳафс Бухорий (ваф. 274/878 й.) ўз халқасини ташкил этиб, қўплаб шогирдлар тарбиялаган (Асророва Л., 2021:124-125). У калом илмига оид «ал-Аҳво вал-ихтилоф» (Нотўғри эътиқодлар ва ихтилоф), «ар-Радд ала-л-лафзия» (юзаки қаровчиларга раддия) ва «Китоб ал-имон» номли асарлар ёзгани кейинги давр уламоларининг китобларида тилга олинади (Муминов А.К., 2003:20).

Бухоролик илк мутакаллимлардан бири Шурайк ибн Абдуллоҳ Нахайй бўлиб, Имом Бухорийдан бошқа кутуби ситта муаллифлари ундан ҳадис ривоят қилганлар. У Имом Абу Ҳанифадан ақидавий масалаларда ривоятлар нақл қилган. Бухорода Абу Ҳанифага ихлос қўйган олимлардан бири Шурайкнинг амакиси Туфайл эди (Абдуллоҳ Субазмунӣ, 2020:307-308).

Усмон ибн Ҳумайд ҳам бухоролик илк мутакаллимлардан бири бўлган. У Абу Ҳанифанинг икки машҳур шогирди Абу Юсуф ва Имом Муҳаммаддан фикҳ сабоқларини олган. У фикҳ илмида шунчалик ривожланганки, ҳатто Абу Ҳанифа номи билан машҳур бўлган. У Имом Муҳаммаднинг «ал-Мабсут» ва Имом Абу Юсуфнинг «ал-Амолий» номли асарлари Бухорода ўқитилаётганини таъкидлаган. У ўз иктибослари билан Абу Ҳанифа қарашларининг минтақада қабул қилинишида муҳим роль ўйнаган. У ҳанафий мазҳаб асосчиси Имом Абу Ҳанифани қуйидагича тавсифлайди: «Абу Ҳанифа разияллоҳу анҳу мисоли бир қуш бўлиб, унинг жони Абу Юсуф, ўнг қаноти Муҳаммад ибн Ҳасан, чап қаноти Имом Зуфар, унинг икки қаноти ва икки томонидаги ҳар бир пат умматнинг имомидир» (Абдуллоҳ Субазмунӣ, 2020:357).

Бухоролик уламолардан Абу Ҳузайфа Исҳоқ ибн Бишр Абу Ҳанифадан фикҳ ва ҳадис сабоқларини ўрганган. У халифа Маъмун (813-833) Марв шаҳрида бўлиб турган чоғида насроний вазирининг тўртта саволига Хуросон ва Мовароуннаҳр уламолари жавоб беришга ожиз қолганида, жавоб беради. Натижада ўша вазир мусулмон бўлади. Абу Ҳанифа ва Муқотил ибн Сулаймондан ҳадис ривоят қилган (Абдуллоҳ Субазмунӣ, 2020:351-352).

Бухоронинг Сувайнаж қишлоғида туғилиб вояга етган аллома Муҳаммад ибн Қосим Асадий узоқ муддат Имом Абу Ҳанифанинг ёнида юрган, унинг хулқ-атворини ва мазҳабини яхши билган. Имом Абу Ҳанифа билан қирқ йилга яқин дўст бўлиб, ундан турли ривоятларни нақл қилган. У ўзларига жаннатий эканига гувоҳлик бериб қўймаслик учун «Биз мўминлар», деб айтишни ёқтирмайдиган инсонларнинг сўзи хато эканини Имом Абу Ҳанифадан нақл қилган (Абдуллоҳ Субазмунӣ, 2020:310).

Абул Фазл Муҳаммад Зарнажарийнинг зикр қилишича Афлаҳ ибн Муҳаммад ибн Зуръа

Сулабий Бухорода Имом Абу Ҳанифанинг қарашларини нақл қилган шахс бўлиб, Абу Ҳафс Кабир ҳам дастлаб ундан таълим олган. Сўнг Бағдодга Муҳаммад ибн Ҳасаннинг олдига борган (Шамсул-аймма Абул Фазл Бакр ибн Муҳаммад Зарнажарий, 2021:124).

Абу Ҳанифадан ривоят қилган бухоролик уламолар қаторига Қосим ибн Мусо Абу Райҳона, Исо ибн Мусо, Ҳасан ибн Усмон ва унинг ўғли Муҳаммад ибн Саллом, Ҳафс ибн Довуд, Муҳаммад ибн Сафар, Муҳаммад ибн Меҳлаб, Аҳмад ибн Жунайд, Шаддод ибн Саидларни киритиш мумкин.

НАТИЖА

Самарқанд Бухоро билан бир қаторда Мовароуннахрнинг энг муҳим шаҳарларидан ҳисобланади. Аллома Субазмунийнинг зикр қилишича Самарқандда Имом Абу Ҳанифадан ривоят қилган ва унинг қарашларини ёйган уламолар – Абу Муқотил Ҳафс ибн Салом Фазорий, Наср ибн Абу Абдилмалик Атакий, Маъруф ибн Ҳасан, Исҳоқ ибн Иброҳим Ҳанзалий ва Юнус ибн Сабихлардир. Имом Маккий ва Имом Кардарий ўзларининг маноқибларида бу исмларни қайд этганлар.

Абу Муқотил Ҳафс бин Салом Фазорий Самарқандий (ваф. 208/823) Имом Абу Ҳанифанинг ҳам дўсти, ҳам шогирдидир. У Самарқанд ва Рай уламолари орасида Абу Ҳанифанинг эътиқодий қарашларини энг яхши билган шахс эди. У Имом Абу Ҳанифага нисбат берилган «Китоб ал-олим вал-муталлим» асарни ривоят қилган ҳамда устозининг сўзларини етказган ва тушунтирган. Шунинг учун асар ханафий мазҳабининг бирламчи асари сифатида таърифланган. Абу Муқотил Абу Ҳанифанинг фикҳий қарашларинигина эмас, балки эътиқодий қарашларини ҳам ёритувчи ривоятларни нақл қилган. Булар – имон ва исломнинг таърифи, одамларнинг тасдиқ жиҳатидан уч табақага бўлиниши, ер аҳлидан иборат мўминлар билан осмон аҳлининг эътиқоди бир хил экани, аҳли куфрнинг куфрда тенг экани каби ақидавий масалалар. Мана шу ривоятлар орқали Абу Ҳанифанинг ушбу мавзулардаги эътиқодий қарашларини билиш мумкин. Шунингдек, У Имом Абу Ҳанифанинг Ғайлон Қадарийнинг бир шогирди билан тақдир борасида баҳс-мунозарасини ҳам нақл қилган. Абу Муқотилнинг зикр қилишича Ғайлон Қадарийнинг шогирди

Абу Ҳанифанинг келтирган далилларига жавоб беролмасдан ҳайрон қолади ва қадарийлик борасида нотўғри эътиқодидан қайтгани ҳам эҳтимол қилинади.

Шунингдек, катта гуноҳлар қилувчи мўмин кишини Аллоҳ таоло мағфират қилиши мумкин экани ва мўминлардан биронтасини қатъий шаклда жаннатий, бўлади деб гувоҳлик бериш жоиз эмаслигини Абу Ҳанифадан ривоят қилган (Абдуллоҳ Субазмуний, 2020:370-371).

Шунингдек, Абу Муқотил Самарқандий устози Абу Ҳанифа билан бўлиб ўтган ақидавий масалалар борасидаги савол-жавоб шаклида ёзилган «Китоб ал-олим вал-мутааллим» асари бир неча асрлар давомида Хуросон ва Мовароуннахр ҳудудларида эътиқодий масалаларга оид муҳим манбалардан бири сифатида қадрланган. Мотуридий таълимотига мансуб уламоларнинг калом илмига оид асарларида бу китобга кўп мартаба мурожаат қилинган ва иқтибослар олинган. Мазкур асарнинг узоқ вақт шуҳрат қозониб келгани фақатгина унинг муаллифи Абу Ҳанифа бўлганида эмас, балки унинг услуби ва шакли бунда ҳам катта аҳамият касб этган. Унинг равон ва содда тили, баённинг ниҳоятда гўзал тузилгани ҳатто оддий тингловчи ёки ўқувчи томонидан ҳам матн моҳиятига кириб бориши ва англашини осонлаштиради. Бунга, аввало баённинг Абу Муқотил томонидан танланган суҳбат шакли туфайли эришилган (Улрих Рудолф, 2001:47-49).

Наср ибн Абу Абдулмалик Атакий айниқса, саҳоба Билолнинг азон ва иқоматни биринчи марта айтгани ҳақидаги ривоятда, яхшиликка далолат қилувчи кишига ўша яхшиликни қилганининг ажри берилиши, бандага омонати ва ўлчами каби мукофот берилиши, қиёмат кунида кимнинг ҳақ-ҳуқуқлари тортиб олинishi, кампирларни қул қилишнинг ҳаромлиги ва намозга оид айрим масалаларни Абу Ҳанифа ва Абу Муқотилдан ривоят қилган (Абдуллоҳ Субазмуний, 2020:377-381).

Самарқандлик уламолардан Маъруф ибн Ҳассон: «Фикҳ, илм, парҳезкорликда ва гуноҳлардан узоқ бўлишда Абу Ҳанифага ўхшаган кишини кўрмадим», деган. У ислом динининг аввалида қабрларни зиёрат қилиш таъқиқланган бўлсада, бу тақиқ бекор қилингани, кадр кечаси Рамазон ойининг йигирма еттинчи кечаси экани, имомнинг тиловати имомга эргашганлар учун етарли бўлиши каби масалаларни Имом Абу

Ханифадан ривоят қилган. Шунингдек, Абу Исмаил Нух ибн Абу Марям Марвазийдан ҳам ривоят қилган (Абдуллоҳ Субазмуний, 2020:381-382).

Самарқандлик олим Исҳоқ ибн Иброҳим Самарқанд қозиси бўлган ва бевосита Имом Абу Ханифадан ҳадис, фикҳ ва ақидага оид турли масалаларни ривоят қилган. У Самарқанддан бир гуруҳ инсонлар билан бирга Қуфага Имом Абу Ханифанинг олдига боради. Мазкур гуруҳ ичида қадарийлик эътиқодида бўлган бир киши бор эди. Гуруҳдагилар Имом Абу Ханифадан мазкур киши билан суҳбатлашиб, уни нотўғри эътиқоддан қайтаришини сўрайди. Кейин, Имом Абу Ханифа унга учта савол беради. Берилган биринчи ва иккинчи саволларга жавоб беради. Учинчи саволга келгандан жавоб беролмасдан терга ботади. Сўнг, истиғфор айтиб, нотўғри эътиқодидан тавба қилади ва Имом Абу Ханифага миннатдорчилик билдиради (Абдуллоҳ Субазмуний, 2020:384).

Яна бир олим Юнус ибн Сабиҳ намозда имомнинг қироат муқтадий учун ҳам етарли бўлиши, аёллар узрли ҳолатда намоз ўқимаслигига оид бўлган ҳадисни Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилган (Абдуллоҳ Субазмуний, 2020:384-385).

Ҳижрий II аср охири III аср бошларида Самарқандда Имом Абу Ханифа қарашларини маъқуллабгина қолмай, балки Абу Ханифага нисбат берилган ақида рисоаларида мавжуд бўлган ақидавий асосларни ақлий ва нақлий далиллар билан қўллаб-қувватлаган ва уларни ақидавий тизимга солган олим Абу Мансур Мотуридий Самарқандийдир (ваф. 333/944).

Имом Мотуридий ҳақида дастлабки маълумотларни тақдим қилган Абул Юср Паздавий ва Абул Муин Насафийлар алломани Мовароуннаҳрдаги сунний илоҳиётининг асосчиси, деб эълон қилишни кўзламайди. Улар Имом Мотуридийга кўпроқ ўзларининг атоқли ўтмишдоши, мавжуд илоҳий таълимотни қойилмақом тарзда баён этган ва шарҳлаган мутакаллим сифатида қарайдилар. Имом Абу Ханифага эса ушбу мактабнинг асосчиси сифатида қараганлар (Улрих Рудолф, 2001:7).

Имом Мотуридийнинг таҳсил олиш силсиласи Дорул-жузжония устозларига боғланади. Ўша даврнинг энг машҳур таълим даргоҳи бўлган ушбу мадраса ақлий ва нақлий далиллар асосида ҳанафийлик билан бирга зикр

қилинган раъй йўналишида таълим бериладиган мактабга эга эди. Бу ерда мўътазилийлик ғоясини ҳамда, ақлни иккинчи ўринга қўювчи ҳадис тарафдорларини рад этган ҳамда Абу Ханифанинг раъйга асосланган эътиқодий ва фикҳий қарашларини ўзлаштирган талабалар етишиб чиққан. Кейинги даврда Имом Мотуридий Самарқанддаги бу мактабнинг етакчиси бўлди ва унинг атрофида тўпланган шогирдлари *ҳанафий-мотуридийлар*, *самарқанд ҳанафийлари ёки ҳанафий-раъй тарафдорлари* деб номланди (Sönmez Kutlu, 2011:129-160).

Имом Мотуридийнинг устозлари сабоқ олган устозлари орқали Имом Абу Ханифага боғланади. Абу Ханифадан «Китоб ал-фикҳ ал-абсат» асарини ривоят қилган Абу Муте Балхий ва бошқа бир ровийси Абу Бакр ибн Нусайр ибн Яхё Балхий шулар жумласидандир. Бошқа устозлари Абу Бакр Жузжоний ва Абу Наср Аҳмад ибн Иёзий билан юзма-юз кўришиб сабоқ олган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас. Имом Мотуридийнинг Абу Ханифагача бўлган устозлар силсиласида номлари тилга олинмаган бўлса-да, уларнинг қарашларидан таъсирланган яна икки олим борлиги айтилади. Насафий улардан бири Хусайн ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Нажжор (ваф. 220/835) эканини айтган. Ҳатто, Имом Мотуридий Нажжорга эргашган бу кишиларни «хусайния» деб атаган ва мўътазилийлар эса «хусайния»ни «музбира» деб тилга олганини таъкидлаган. Иккинчи олим эса, Абу Бакр Муҳаммад ибн Шабибдир. Иккисининг ҳам «Китабул-иржо» номли асарлари бор (Абу Мансур Мотуридий, 2003:421, 423, 439, 513, 548).

Имом Мотуридий устозларидан Имом Абу Ханифанинг «ар-Рисола ила Усмон ал-Баттий», «ал-Васият», «ал-Фикҳ ал-абсат» ва «Китоб ол-олим вал-мутааллим» асарини ўқиш билан бирга кейинги авлодларга ривоят ҳам қилган.

Имом Мотуридий Абу Ханифанинг ақидавий таълимоти асосини тизимлаштирган ва асосий мезонларини аниқлаган кўплаб масалаларга ақлий-нақлий далиллар ва семантик ёндашувлар билан ақидавий ўзига хослик кашф қилган. У ўзидан олдинги мутакаллимлар эътибор қилмаган кўплаб муҳим масалаларни муҳокама қилган. Муаммоларни ҳал қилишда ақл ва нақл мувозанатини сақлашга муваффақ бўлган ва калом илмига энг катта янгилик бўлган *маърифат назарияси*ни олиб кирган (Kutlu, Sönmez, 2011:29; Özcan, Hanifi, 1998:9). У ақида

ва фикҳ масалаларида Абу Ҳанифанинг йўлидан юрган, унинг таълимоти шориҳи бўлган.

МУҲОКАМА

Аҳли раъйнинг кейинги намояндаларидан бўлган ва Имом Мотуридийнинг издоши Имом Насафий Абу Ҳанифа ғояларини энг яхши билган шахс Мотуридий эканҳини айтиб, у ўз асарларини шуларни исботлаш ва қувватлаш учун ёзганини таъкидлайди. Шунга кўра, Имом Мотуридийнинг Хуросон ва Мовароуннаҳр, ҳаттоки бошқа туркий шаҳарлар аҳолисининг ҳанафийликни қабул қилишида катта ҳиссаси бўлган. Бошқа олим бўлмаганида ҳам ҳанафийликнинг минтақада ёйилиши учун Имом Мотуридийнинг ўзи етарли бўлар эди (Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад Насафий, 1990:210-211).

Мовароуннаҳрлик яна бир олим Абдулазиз ибн Халид ибн Зиёд Термизий Термиз ва Чағонийнинг қозиси бўлиб, Термизда раъй аҳли вакилларида бўлган отасидан ва Абу Ҳанифадан ривоятлар келтирган. Намозда бисмиллоҳни жаҳрий айтса бўладими ёки йўқми, намоз учун битта кийимнинг ўзи етарлими, таҳорат, хуфтондан кейин ўқиладиган нафл намознинг фазилати, олди-берди қилишда шартлашиш, Пайғамбаримиз (с.а.в.) оналари қабрини зиёрат қилиш, аёллар, мусофирлар ва касаллар учун жума намозининг фарз эмаслиги, закот ва бошқа кўплаб масалаларда Имом Абу Ҳанифадан ривоят қилиб, ҳанафийликни кенг ёйилишида хизмат қилган (Шамсул-аймма Абул Фазл Бакр ибн Муҳаммад Зарнажарий, 2021:123). Шунингдек, Абдулазиз ибн Халид Имом Абу Ҳанифага унинг китобларини ўқиб беради ва ушбу китобларни ундан ривоят қилишга изн сўрайди. Имом Абу Ҳанифа изн беради. У «Абу Ҳанифа шундай деганларини эшитдим», деб айтсам бўладими?, деб сўрайди. Абу Ҳанифа: «Ҳа, «эшитдим», «менга сўзлаб берди», «менга хабар берди» иборалари барчаси баробар», деб изн берган (Абдуллоҳ Субазмуний, 2020:397-401).

Термизлик уламолардан Исроил ибн Зиёд Термизий Абу Ҳанифа ҳақида: «Мен ўз соҳасида Абу Ҳанифанинг тенгини кўрмадим», деган (Абдуллоҳ Субазмуний, 2020:405).

Термизда аҳли раъй қарашларини қўллаб-қувватлаган бошқа олимлар – Абу Довуд Жоруд ибн Муоз Суламий Термизий (ваф. 244/858), Абу Саъд Жуфий Сағоний Муҳаммад ибн Аби

Закерийё Муяссар, Абу Имрон Мусо ибн Ҳизом Термизий (ваф. 251/865дан кейин), Солиҳ ибн Муҳаммад Термизийлардир (ваф. 239/853 йилдан кейин) (Абдуллоҳ Субазмуний, 2020:397-405).

Абу Муте Макхул ибн Фазл Насафий (ваф. 318/930) Абу Ҳанифа ва раъй аҳли тарафдори бўлса-да, ўзининг янгича қарашларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ёзган асарлари танқид қилинган. У Насафнинг энг кўзга кўринган олимларидан бири ҳисобланган. У ўз асарида раъй ва ҳадис тарафдорлари ўртасидаги зиддиятни очиб берар экан, фақат ҳадисга эътибор қаратиб, раъй назарияси ва қиёси хурофот, деб ҳисобловчи, Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларининг юзаки маъносига эътибор қаратган фирқаларни танқид қилган. Чунки, унинг фикрича, Аллоҳ таолонинг китоби ва Пайғамбар (с.а.в.)нинг суннатларида бўлмаган масала раъй аҳли томонидан муҳокама қилиниши ва ҳал қилиниши керак (Абдуллоҳ Субазмуний, 2020:397-404).

Кешлик уламолардан Роҳиб Кеший Абу Ҳанифанинг фазилатлар даражасида Абу Бакр разияллоҳу анҳуни кейин Умар ибн Хаттоб, сўнгра Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг олдинги саҳобалари кейингилардан устунлигини, шунингдек, Али разияллоҳу анҳу ҳақида кўп гапиргани ривоят қилинган (Абдуллоҳ Субазмуний, 2020:386).

Чағонийлик уламолардан Абу Саъд Муҳаммад Чағоний Абу Ҳанифадан сабоқ олган ва унинг мажлисида биринчи қаторда ўтиргани айtilган. Абу Саъд ушбу шаҳарда раъй қарашининг тарқалишида муҳим роль ўйнаган (Абул Муайяд ал-Муваффақ ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Ал-Маккий, 2016:514; Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Кардарий, 2016:514). Имом Абу Исо Термизий ҳам ҳадис олган Чағоний Абу Ҳанифа ҳақида: «Бирон бир масалада Абу Ҳанифани мағлуб этган кишини кўрмадим», деган. У намознинг қалити таҳорат, ибтидоси такбир, сафар намози икки ракат бўлиши, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг мақталган мавқеи шафоат каби кўплаб масалаларда ривоятлар қилган (Абдуллоҳ Субазмуний, 2020:387-396). Имом Абу Ҳанифага нисбатан ниҳоятда ҳурмат ва таъзимда бўлгани қуйидагича изҳор қилган: «Агар, риё бўлмаганда ва ҳаё қилмаганимда, Абу Ҳанифа қабрининг олдида бир бино қуриб, унда яшар эдим. Модомики, тирик эканман, уни доим зикр қиламан ва ҳаққига дуои хайр қиламан» (Абдуллоҳ Субазмуний, 2020:396).

ХУЛОСА

Абу Ханифа мусулмонлар ўртасида пайдо бўлган фикхий ва эътиқодий масалаларни ўзига хос раъй услуби ва назарияси билан ҳал қилишга уринар экан, у зот аввало Қуръон ва суннат, сўнгра саҳоба ва тобеинларнинг уламоларига таянган исломий илмлардаги моҳирлигини ўзи ташкил этган дарс ҳалқалари ва илмий мажлислари орқали талабаларига етказган. Абу Ханифа шогирдлари бошқа шаҳарларда бўлгани каби Хуросон ва Мовароуннаҳрда ҳадис тарафдорлари билан қаттиқ фикрий кураш олиб борганлар. Аббосийлар халифалиги даврида раъй тарафдорлари номи билан шуҳрат қозонган Абу Ханифанинг шогирдлари давлат лавозимларида, айниқса қозилик лавозимларида ишлай бошлаганлар. Абу Ханифанинг қарашлари кенг оммага осонлик билан ёйилиб, ҳозирги кунгача етиб келди. Абу Ханифа етиштирган шогирдлар ва уларнинг издошлари устозларининг фикҳ ҳақидаги қарашларини амалий мазҳаблар орасида кўплаб тарафдорлари бўлган фикҳ мактабига айлантирдилар.

Абу Ханифанинг ақидавий қарашларини эса, устозлари силсиласи Абу Ханифагача етиб борган Имом Мотуридий ривожлантириб, тизимлаштирди ва эътиқодда ўз сўзига эга ақида мактабига айлантирди. Имом Мотуридий кучли ақидавий тизимни шакллантириб берган. Вақт ўтиши билан Абу Ханифани фикҳ ва эътиқодда ўзларига имом сифатида қабул қилган кўп одамлар ҳам Имом Мотуридийга эргашганлар. Бунда, шубҳасиз, энг катта улуш Мовароуннаҳрнинг йирик илмий марказларидан бири бўлган Самарқандда етишиб чиққан Имом Мотуридийга тегишлидир.

Номлари тилга олган алломалар Мовароуннаҳр ерларида ҳанафийлик, яъни аҳли раъй ақидасининг мустаҳкам асосда вужудга келиши ва тарқалишида хизмати катта бўлган. Албатта, бу уламолардан ташқари яна кўплаб олимлар ҳам бор.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Улрих Рудолф. (2001). Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. Тошкент: Имом Ал-Бухорий халқаро жамғармаси.
2. Абул Муин Маймун ибн Муҳаммад Насафий. (1990). Табсират ал-адилла фи усул ад-дин (Ж. I). / Таҳқиқ: Клод Салома. Дамашқ. Ал-Жаффон ал-жабий.
3. Али Тантовий. (2022). Риҷол мин ат-тарих. Қоҳира: Дор ад-минора.
4. Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Ҳорис ибн Халил Ҳорисий Субазмуний Бухорий. (2020). Кашф ал-осор аш-шарифа фи манокіб ал-имоми Аби Ханифа (Ж. 2). Истанбул: Мактабат ал-иршод.
5. Абдуллоҳ Субазмуний. (749/1348 йилда кўчирилган). Кашф ал-асор. ЎзФАШИ Асосий фонд. Қўлёзма. №3105.
6. Маҳмуд ибн Сулаймон Кафавий. (нашр этилган санаси кўрсатилаган). Катоиб аълом ал-ахёр мин фуқаҳо мазҳаб ан-Нўъмон ал-мухтор. Ўз РФА ШИ. Қўлёзма. №91.
7. Вамбери Ҳ. (1990). Бухоро тарихи. Тошкент: Ғафур Ғулом.
8. Асророва Л. (2021). Абу Ҳафс Кабир Бухорий ва ҳанафий фикҳи. Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси.
9. Муминов А.К. (2003) Роль и место ханафитских 'улама в жизни городов центрального Мавараннахра (II-VII/ VII-XII вв.): Дис. ...док. ист. наук. Ташкент: ТИУ.
10. Шамсул-аймма Абул Фазл Бакр ибн Муҳаммад Зарнажарий. (2021). Манокіб ал-имом Абу Ханифа. Истанбул: Дор ас-самон.
11. Sönmez Kutlu. (2011). Ebu Mansur el-Maturidînin Mezhebe Arka Planı // Otto Yayınları, 3. Baskı, Ankara.
12. Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Мотуридий. (2003). Китоб ат-Тавҳид / Таҳқиқ: Бекр Туполўғли ва Муҳаммад Аручий. Анкара: Ширкат ан-нашр ва-т-тибоа ва-т-тижора
13. Kutlu, Sönmez. (2011). Bilinen ve Bilinmeyen Yönleriyle İmam Mâtürîdî, İmam Mâtürîdî ve Mâtürîdîlik, (haz. Sönmez Kutlu, Otto Yayınları, 3. Baskı, Ankara 2011) içerisinde, 29. Krş.: Özcan, Hanifi (1998). Mâtürîdî'de Bilgi Problemi, M.Ü. İlahiyat Fakültesi Yayınları, 2.Baskı, İstanbul. 9 vd.
14. Абул Муайяд ал-Муваффақ ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Маккий. (2016). Манокібу Аби Ханифа. Байрут: Дор ал-кутуб ал-арабий.
15. Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Кардарий. (2016). Манокібил имом Абу Ханифа. Ж. 2. Байрут: Дор ал-кутуб ал-арабий.

REFERENCES

1. Ullrich Rudolf (2001). Al-Moturidiy va Samarqand sunniylik ilohiyoti. Tashkent: Imam Al-Bukhari International Foundation.
2. Abul Muin Maymun ibn Muhammad Nasafiy (1990). Tabsirat al-adilla fi usul ad-din (Vol. 1) / ed. Claude Salame. Damascus. Al-Jaffan al-Jabi.
3. Ali Tantawi (2022). Rijalun minat tarikh. Cairo: Dar ad-Minara.
4. Abdullah ibn Muhammad ibn Ya'qub ibn Haris ibn Khalil Harisi Subazmuni Bukhari (2020). Kashf al-asar ash-sharifa fi manaqib al-Imam Abi Hanifa (Vol. 2). Istanbul: Maktabatul Irshad.

5. Abdullah Subazmuni (copied in 749/1348). Kashful asrar. Tashkent Oriental Studies Institute Main Fund. MS 3105.
6. Mahmud ibn Sulayman Kafawi. (Year not indicated). Kataib a'lam al-akhyar min fuqaha madhhab an-Nu'man al-mukhtar. Tashkent Oriental Studies Institute Main Fund, MS 91.
7. Vamberi H. (1990). Bukhoro tarikhi. Tashkent: Ghafur Ghulom.
8. Asrorova L. (2021). Abu Hafs Kabir Bukhoriy va hanafiy fiqhi. Tashkent: Publishing association of the International Islamic Academy of Uzbekistan.
9. Muminov A.K. (2003) Rol i mesto khanafitskih 'ulama v jizni gorodov sentralnogo Mavarannahra (II-VII/ VII-XIIvv.): Doctoral dissertation. Tashkent: TIU.
10. Shamsulaimma Abul Fazl Bakr ibn Muhammad Zarnajari (2021). Manaqib al-Imam Abi Hanifa. Istanbul: Dar as-Saman.
11. Sönmez Kutlu (2011). Ebu Mansur el-Maturidi'nin Mezhebi Arka Planı // Otto Yayınları, 3. Baskı, Ankara.
12. Abu Mansur Muhammad ibn Muhammad ibn Mahmud Maturidi (2003). Kitab at-Tawhid / ed. Bekir Tupologlu and Muhammad Aruchi. Anqara: Shirkatu-n-nashr wa-t-tibaa wa-t-tijara.
13. Kutlu, Sönmez (2011). Bilinen ve Bilinmeyen Yönleriyle İmam Mâtürîdî, İmam Mâtürîdî ve Mâtürîdîlik, (haz. Sönmez Kutlu, Otto Yayınları, 3. Baskı, Ankara 2011) içerisinde, 29. Krş.: Özcan, Hanifi (1998). Mâtürîdî'de Bilgi Problemi, M.Ü. İlahiyat Fakültesi Yayınları, 2.Baskı, İstanbul. 9 vd.
14. Abul Muayyad al-Muwaffaq ibn Ahmad ibn Muhammad Al-Makki (2016). Manaqib Abi Hanifa. Beirut: Dar al-Kutub al-Arabi.
15. Muhammad ibn Muhammad al-Kardari (2016). Manaqib al-Imam Abi Hanifa (Vol. 2). Beirut: Dar al-Kutub al-Arabi.

